

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЎЗИҚУЛОВ БУНЁДБЕК БАХТИЁР ЎҒЛИ**

**ТУРЛИ ЎЙИН АМПЛУАСИГА ҚАРАБ ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ  
АНТРОПОГЕНЕТИК МЕЗОНЛАРИ ВА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ  
АСОСИДА ИСТИҚБОЛИНИ БАШОРАТЛАШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Рўзиқулов Бунёдбек Бахтиёр ўғли**

Турли ўйин амплуасига қараб ёш футболчиларнинг антропогенетик мезонлари  
ва жисмоний тайёргарлиги асосида истиқболлини башоратлаш .....3

**Рўзиқулов Бунёдбек Бахтиёр ўғли**

Прогнозирование перспективности юных футболистов различного игрового  
амплуа на основе антропогенетических критериев и показателей физической  
подготовленности .....31

**Ro‘ziqulov Bunyodbek Baxtiyor o‘g‘li**

Forecasting the prospects of young football players of various playing roles based on  
anthropogenetic and physical fitness indicators .....59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....63

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЎЗИҚУЛОВ БУНЁДБЕК БАХТИЁР ЎҒЛИ**

**ТУРЛИ ЎЙИН АМПЛУАСИГА ҚАРАБ ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ  
АНТРОПОГЕНЕТИК МЕЗОНЛАРИ ВА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ  
АСОСИДА ИСТИҚБОЛИНИ БАШОРАТЛАШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1473 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафарова Дилбар Джамаловна**  
биология фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кошбахтиев Илдар Ахмедович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Набиев Тимур Эрикович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Чирчиқ давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «В» биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Р.Болтабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби,  
п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

**Ф.А.Керимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабланиши.** Дунёда спорт натижаларининг ўсиш кўрсаткичлари спортчиларни интеграл тайёрлашнинг бир бутун тизим асосида бошқариш заруриятини кўрсатмоқда. Жаҳон футбол аналитикларининг аниқлашча ўйин тезлиги ва шиддаткорлиги, ўйинчиларнинг техник жиҳатдан шаклланганлиги, уларнинг мобиллиги кўплаб футбол жамоаларининг спорт натижаларини белгилаб бермоқда. Малакали футболчиларни тайёрлаш бўйича мутахассисларнинг фикрича махсус тайёргарликнинг кейинги босқичларида башорат қилинган хусусиятлар, ўйин амплуасига мос равишда махсус функционал тизимни ривожлантиришда асосий куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳонда футбол билан шуғулланувчи спортчиларни тайёрлаш, саралаб олиш тизимини инновацион ёндашувлар асосида замон талабларига мослаштириш юзасидан кенг қўламли тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Халқаро футбол федерацияси томонидан ўйин қоидаларига киритилган янгиликлар асосида футболчиларни тайёргарлик турлари бўйича саралашнинг янги талабларини ишлаб чиқиш, жисмоний ва техник имкониятларини такомиллаштириш, олий спорт ютуқларига эришишгача бўлган барча босқичларни бошқаришнинг ташкилий ва услубий жиҳатдан самарадорлигини ошириш билан боғлиқ изланишлар олиб борилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, футболчиларнинг саралаб олиш ҳамда тайёргарлик тизимини яратишга қаратилган муаммолар илмий асосланган ёндашувларни талаб қилмоқда.

Республикамизда футбол устувор спорт турларидан бири ҳисобланиб, сўнгги нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари томонидан кўрсатилаётган натижалар ушбу спорт турининг ривожланиш тенденциясини белгилаб бермоқда. “Иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва ёшлар терма жамоаларига захира яратиш”<sup>1</sup> вазифаси долзарб масалалардан бири ҳисобланмоқда. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳолининг барча қатламларида, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Замонавий футболда жисмоний тайёргарлик даражасини мунтазам назорат қилиш, футболчиларни саралаб олишда уларнинг генотипик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатмоқда. Юқорида қайд қилинганлар вазифалар асосида ёш футболчиларнинг келажакда танланган спорт турида юқори кўрсаткичларга эришиши учун “эрта” танлов тизими хусусиятларини ва имкониятларини аниқ комплекс баҳолаш юзасидан тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилмоқда. Юртимизда истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ва

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини шакллантириш, муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда футбол спорт тури бўйича ўрганилиши зарур бўлган масалалар, футбол спорт турининг оммавийлигини ошириш, селекция ва эрта танлаш ишлари бўйича илмий-услубий қўлланмалар яратиш, Ўзбекистон терма жамоаларига ёш иқтидорли, қобилиятли спортчиларни етказиб бериш, халқаро мусобақаларда эришилган натижаларни сақлаб қолиш каби кўплаб ўз ечимини кутаётган муаммоларни илмий тадқиқ қилиш ҳамда юкламаларнинг оптимал нисбатларини ишлаб чиқиш учун машғулот жараёнини илмий асосда ташкил этиш зарурияти юзага чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887-сон “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3610-сон “Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 3 ноябрдаги ПҚ-4877-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5281-сон “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги:** Ушбу тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Биз томонимиздан ўрганилган илмий-услубий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, футболчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган. Ватанимиз олимларидан И.А.Кошбахтиев, Ш.Т.Исеев, Р.И.Нуримов, С.Р.Давлетмуродовлар футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, координацион қобилиятларни ривожлантиришда янги инновацион технологияларни жорий этиш масалалари юзасидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борган.<sup>2</sup> Аммо, ҳаракат хусусиятларининг генетик белгиланиши, у асосда башорат қилиниши спорт генетикасининг муаммоси бўлиб қолмоқда.

---

<sup>2</sup> Кошбахтиев И.А. Управление подготовкой футболистов. Учебное пособие. Т.2001.- 124 с. Исеев Ш.Т. Футболчиларни йиллик циклда тайёрлашни режалаштириш. “Ita-Press” 2014. Б. 238-249. Нуримов Р.И, Ақромов Р.А, Исеев Ш.Т, Давлетмуродов С.Р. “Футбол назарияси ва услубияти” Дарслик. 2018. - 159 б.

Футбол бўйича хорижий етакчи олимлардан З.Г. Орджоникидзе, В.П. Губа, А.Е. Власов, В.Ю. Комков, В.А. Блинов, Ю.В. Корягина, П.В. Погребняк, Т.В. Михайлова ва бошқалар томонидан футболчиларни ҳар томонлама тайёрлаш – жисмоний тайёргарлик, техник жиҳатдан усталик, ўйин даврида тактик усулларни яратиш каби муаммолар тадқиқ этилган<sup>3</sup>. Чоп этилган илмий ишларнинг аксариятини республикаимиз ва Россия федерацияси журналларида нашрдан чиқарилган бўлиб, бу мақолалар футболчиларда тезкорлик ва куч хусусиятларини ривожлантиришга, умумий ва махсус жисмоний тайёргарликни баҳолашга бағишланган.

Спортчиларни саралаб олишда уларнинг жисмоний сифатларни, ҳамда мослашув хусусиятларини белгиловчи абсолют ва шартли генетик маркерларни спорт танловида қўллаш илғор услубларга айланмоқда. С.Е. Бакулев ўз тадқиқотида морфо-функционал кўрсаткичлар ва мусобақадаги эришган натижаларидан ташқари генетик мезонлардан: генеологик кўрсаткичлар, дермотоглифлар, қон гуруҳларини тадқиқотларда қўлланилса спортчининг келажакда истиқболлигини олдиндан ташхис қила олиш мумкин деган фикрни илгари сурган. Футбол спорт турида саралаб олиш муаммосини ҳал этишда машғулот жараёнига генетик маркерларнинг, спортчи фенотипининг шаклланишига сабабчи бўлишини аниқлаш лозим.<sup>4</sup>

Юқоридаги фикрлани инобатга олган ҳолда шуни хулоса қилишимиз мумкинки, жисмоний сифатларни намоён этилишини, балки спортчини танлаган спорт турида истиқболлигини ташхис қилишда ва профессионал спортга саралаш масалалари долзарблигича қолмоқда, бу эса ушбу йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-изланиш ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари стратегияси ва истиқболли режасининг 18-банди “Футбол соҳасида истеъдодли спортчи ёшларни танлаб олиш (селекция) фаолияти самарадорлигини ошириш ва ўқув-машғулотлар жараёнини сифатли ташкил қилиш йўналиши” доирасида бажарилган.

---

<sup>3</sup>Орджоникидзе З.Г. - Физиология футбола (Орджоникидзе З.Г., Павлов В.П., - М., Человек, Олимпия, 2008.- 240 с., Губа В.П. Теория и методика футбола (В.П.Губа, А.В.Лексаков ), М., Советский спорт, 2013.- 536 с., Власов А.Е. Юношеский футбол: состояние и тренды. Технический отчет по результатам Чемпионата Европы U-19 в Греции и элитного отборочного раунда в Швеции в 2015 году для команд игроков старше 19 лет – М., 2015. - С. 3-15., Комков В.Ю., Блинов В.А., Корягина Ю.В., - Роботизированный тренировочный комплекс «FOOTVOT» как инструмент оценки, контроля и повышения уровня подготовленности футболистов, - Ученые записки, Санкт-Петербург-2018. – С. 74-76; Погребняк П.В., Михайлова Т.В. Влияние функциональных возможностей на двигательную активность высококвалифицированных футболистов в процессе игры. /В сб. Инновационные технологии в системе спортивной подготовки, массовой физической культуры и спорта Санкт-Петербург, 17-18 октября 2019. – С. 262-265.

<sup>4</sup> Бакулев С.Е. Прогнозирование индивидуальной успешности спортсменов-единоборцев с учетом генетических факторов тренируемости: авто- реф. дис. ...д-ра пед. наук: 13.00.04/ Бакулев Сергей Евгеньевич; Нац. гос. ун-т физ. культуры, спорта и здоровья им. П.Ф. Лесгафта, Санкт-Петербург - 2012.- С. 43-49.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли ўйин амплуасига қараб ёш футболчиларнинг антропогенетик мезонлари ва жисмоний тайёргарли кўрсаткичлари асосида истиқболни башоратлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

футболчиларнинг турли ўйин амплуаси бўйича ўқув машғулот ва спорт такомиллашув гуруҳларидаги истиқболни башоратлаш учун модел кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

ёш футболчиларнинг антропогенетик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда тезкорлик сифатини ривожлантириш усулларини аниқлаш;

футболчиларнинг спорт такомиллашув босқичида ўтказилаётган машғулот жараёнларини коррекциялаш, юкнамаларни интенсив қўлланилишини такомиллаштириш ва истиқболни башоратлаш;

ёш футболчилар тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда, организмни энергия билан таъминловчи мажмуали текшириш усулини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қарши “Насаф” футбол Академияси ва Қарши олимпиа ва параолимпиа заҳиралари спорт коллежида таълим олаётган малакали футболчиларнинг ўқув-машғулот жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли ўйин амплуасига эга малакали футболчиларнинг спорт келажагини жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари ва антропогенетик мезонлар асосида башорат қилиш усуллари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ва умумлаштириш, педагогик назорат қилиш, футболчиларнинг антропометрик ва функционал кўрсаткичлари асосида истиқболлигини ташхис қилиш, педагогик эксперимент, эксперт баҳолаш услуги, антропогенетиканинг дерматоглифика услуги, математик статистика каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

футболчиларнинг турли ўйин амплуаси бўйича ўқув машғулот ва спорт такомиллашув гуруҳларидаги истиқболни башоратлаш учун ёшига қараб ретест натижалари антропометрик ўлчовлар ва умумий жисмоний тайёргарликни аниқловчи тестларни солиштириш орқали модел кўрсаткичлари такомиллаштирилган;

дерматоглифик белгиларидан бармоқ изларидаги умумий қирралар сони юқори кўрсаткичларга эга бўлган футболчиларда қисқа ва ўрта масофага югуришда тезкорлик сифатини ривожлантириш имконияти юқори эканлиги аниқланган;

футболчиларнинг спорт такомиллашув босқичида ўтказилаётган машғулот жараёнларини коррекциялаш мақсадида аэроб-анаэроб йўналишли юкнамаларни интенсив қўллашда чизиқли тезликни ривожлантиришга қаратилган моксишон югуриш турлари билан тўсиқлар оралиғида масофа тенг бўлган ва тенг бўлмаган ҳолатда спринтер югуриш каби машқларни киритиш орқали истиқболни босқичли назорат қилиш имконияти кенгайтирилган;

ёш футболчилар тайёргарлигини ирсийланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда морфометрик ва организмни энергия билан таъминловчи тизимларнинг

мажмуали текшириш усулларини машғулот жараёнига киритиш ҳисобига истиқболини башорат қилишда информатив ахборот олиш имконияти кенгайтирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

малакали футболчиларда ёшга қараб нафақат морфологик ва функционал кўрсаткичларни ўзгариш динамикаси аниқланган;

малакали футболчиларни махсус жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган машқлар комплекси ишлаб чиқилган;

тайёргарликнинг йиллик цикларида ёш футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш услубияти ишлаб чиқилган ҳамда самарадорлиги тажрибада исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз ҳамда чет эл олимлари, шунингдек, хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш учун танланган воситалар ва уларни қўллаш услубларининг илмий асосланганлиги ушбу соҳадаги маълумотларни, назарий билимларни бойитиш ва кенгайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амалий тавсиялар амалиётчи мураббийларга футболчиларнинг машғулотларини ташкил этишда юкламаларни меъёрлаш, футболчиларни спортда саралаб олиш махсус жисмоний тайёргарлик даражасини назорат қилиш учун ишончли тестлардан фойдаланиш, тайёргарликнинг турли даврлари ва босқичларидаги микроциклларни тузишда машғулот вариантларини қўллаш, техник-тактик тайёргарлик самарадорлигини ошириш жараёнини оптималлаштиришга имкон бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли ўйин амплуасига қараб ёш футболчиларнинг антропогенетик меъзонлари ва жисмоний тайёргарлиги орқали истиқболини башоратлашдан олинган натижалар асосида:

футболчиларнинг турли ўйин амплуаси бўйича ўқув машғулот ва спорт такомиллашув гуруҳларидаги истиқболини башоратлаш учун техник-тактик маҳоратини маълум ёшга ва даврга келиб ўзгаришидан келиб чиқиб ретест натижалари орқали модел кўрсаткичлари “Жисмоний тарбия ва спорт (Футбол)” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғига асосан

356-053 рақамли гувоҳнома). Натижада футболчиларни саралаш ва танлаб олиш имконияти 12 % га яхшиланган;

ёш футболчиларнинг антропогенетик мойиллигини ҳисобга олган ҳолда дермотоглифик белгилардан умумий қирралар сони юқори кўрсаткичларга эга бўлган футболчиларда тезкорлик сифатини ривожлантириш бўйича таклифлар Насаф футбол академияси ўқув машғулот жараёнларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги 03-17-02/11816-сон далолатномаси). Натижада футболчиларни тезкорлик сифатини ривожлантириш имконияти 16 % га яхшиланган;

футболчиларнинг спорт такомиллашув босқичида ўтказилаётган машғулот жараёнларини коррекциялаш мақсадида уларнинг физиологик кўрсаткичлари ҳисобга олиниб аэроб-анаэроб йўналишли юкламаларни интенсив қўлланилиши бўйича таклифлар “Насаф” футбол академиясида ва Қарши олимпиа захиралари коллежи ўқув машғулот жараёнларига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги 03-17-02/11816-сон далолатномаси). Натижада футболчиларни истикболлигини аниқлаш имконияти 10-16 % га яхшиланган;

ёш футболчилар тайёргарлигини ирсийланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда морфометрик ва организмни энергия билан таъминловчи тизимларнинг мажмуали текшириш усуллари Қашқадарё вилоят спорт ўйинлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби амалиётига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги 03-17-02/11816-сон далолатномаси). Натижада футболчиларни тайёргарлиги бўйича информатив ахборот олиш имконияти 10-12 % га яхшиланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 2 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий-услубий иш, шу жумладан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан 1 таси хорижий даврий нашрда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация ишида кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил этиб, 20 та жадвал, 4 та расм ва жорий этиш далолатномаларини ўз ичига олади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси,

диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ёш футболчиларнинг келажакдаги ютуқларини башорат қилиш ва профессионал футбол учун захира тайёрлаш стратегияси”** деб номланган биринчи бобида футбол спорт турининг тайёрлов жараёнининг энг муҳим йўналишлари футболчиларни машғулот жараёни хусусияти ва йўналишлари бўйича ҳар-хил восита ва усуллардан фойдаланиш, воситаларни таснифлаш ҳамда машғулот жараёнида аниқ атамаларни қўллаш, умумий ва махсус жисмоний тайёргарликнинг ўзаро алоқадорлиги, жисмоний сифатларнинг ривожланиб бориши, футбол спорт турининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ устувор жисмоний сифатлар, техник-тактик, психологик саралашда антропометрик кўрсаткичлар, организмнинг тикланиш усуллари шунингдек тайёргарлик турларининг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Замонавий спортни ривожлантириш тенденциялари ва узоқ муддатли машғулот жараёнининг барча босқичларида, биринчи навбатда - дастлабки босқичларда спортчиларнинг зарур тайёргарлигини таъминлаш учун янада оқилона ва замонавий технологиялардан фойдаланиш, танланган спорт турига наслий мойилигини ҳисобга олиш зарурати билан изоҳланади.

Спорт танловини тўғри ташкил этиш, танланган спортда юқори натижаларга эришиш учун болалар ва ўсмирларнинг қобилиятларини ҳар томонлама баҳолаш зарурлиги, уларни нафақат фенотип кўрсаткичларига, балки маълум бир спортга иқтидорлигини тасдиқловчи генотип кўрсаткичларга таянган ҳолда янги йўналишли тадқиқотларни ўтказишни талаб этади. Ушбу соҳадаги кўплаб муаммолар ҳали тўлиқ бартараф этилмаган, хусусан, ўсмирлик даврдаги футболчиларни ўйин амплуасини ҳисобга олган ҳолда махсус тайёргарлигининг самарасини ошириш мақсадида нафақат футболга иқтидорлигини акс этувчи кўрсаткичлар асосида, балки организмнинг морфо-функционал имкониятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, ўқув-машғулот жараёнларини режалаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қиёсий таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг услублари ва ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида ёш футболчиларнинг антропогенетик мезонлари ва жисмоний тайёргарлиги асосида истиқболлини башоратлашга оид илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, эксперт баҳолаш усули, педагогик тажриба, математик статистик услублари тадқиқотни ташкил қилиш юзасидан маълумотлар баён этилган.

Мазкур диссертация тадқиқотларини ташкил этиш 4 та босқичда амалга оширилди:

I босқичда (2019 йил, январ-август) мавзуга оид мавжуд илмий-услубий адабиётлар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Футболчиларнинг юқори даражали ҳаракатланиш кўрсаткичларини башорат қилиш имкониятини берувчи педагогик, антропометрик, физиологик кўрсаткичлар асосида баҳолаш учун ишончли тестлар танлаб олинди. Футболчиларнинг ўйин амплуасини инобатга олган ҳолда уларнинг машғулот жараёнида эса физиологик параметрлар ва йўналишларни ҳисобга олиб юкламалар режалаштирилди.

II босқичда (2020 йил, январ-сентябр) – назоратда бўлган футболчиларни етакчи муҳассислар ва ва мураббийлар томонидан умумий ва махсус жисмоний тайёргарликни баҳолашга тавсия этилган педагогик тестлар ёрдамида бирламчи назорат ўтказилди. Ёш футболчилар танасининг жисмоний ривожланиш, тайёргарлик даражасига ҳамда функционал кўрсаткичларига кўра назорат ва тажриба гуруҳларга ажратилди. Антропогенетик кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда футболчилардан Н.Д. Гладкова услуби орқали дерматоглифлари олинди ва таҳлил қилинди. Бармоқлардаги нақшлар ташхис қилинди ва тақсимланиши аниқланди. Умумий ва жами қирралар сонига қараб футболчилар табақалаштирилди.

III босқичда (2020 йил, октябр ойидан 2021 йил, апрел) Тадқиқотлардан олинган натижалар тажрибавий дастурни ишлаб чиқишга асос бўлди. Тажрибавий дастурда «Насаф» футбол академияси ва Қарши Олимпия ва параолимпия захиралари коллежида таҳсил олувчи малакали футболчилар иштирокида ўтган жамоа учрашувларини видеокўрсатуви асосида таҳлил қилинди ва умумлаштирилди. Футболчиларни ўйин амплуасини ҳисобга олган ҳолда аэроб, аралаш ва анаэроб йўналишли жисмоний юкламаларга мосланишини аниқланди ва футбол майдони бўйлаб ҳаракат фаоллигини ҳажмини акс эттирувчи кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Тажрибавий дастурининг самара даражасини баҳолаш учун информатив махсус ҳаракатланиш сифатларини ирсий ифодаланган дерматоглифик маркерлар орасидаги ассоциатив боғланишлари солиштирилди ва ёш футболчиларнинг ҳаракат сифатларини олдиндан ташхис эта олиш исботланди.

IV босқичда (2021 йил, май-октябр) тадқиқотнинг якунловчи қисмида тажрибавий натижалар умумлаштирилди, илмий хулосалар ва амалий таклифлар шакллантирилди, тадқиқот олдига қўйилган вазифалар юқори даражада бажарилганлиги қайд қилинди, диссертациянинг электрон кўриниши тайёрланди ва олинган натижалар амалиётга тадбиқ қилинди.

Диссертациянинг **“Ёш футболчиларнинг ўйин амплуасини инобатга олган ҳолда уларнинг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлиги ҳамда функционал ҳолатини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида мураббийлар ҳамда малакали футболчилар билан ўтказилган саволнома кенг таҳлил қилинган.

15-17 ёшли футболчиларнинг жисмоний ривожланиш даражаси ўйин амплуасини инобатга олган ҳолда антропометрик кўрсаткичлар асосида баҳоланган. 1-жадвалда футболчиларнинг тана узунлигининг ва вазнининг ўсиш динамикаси вазн – бўйи индекси (ВБИ) билан тасдиқланди.

**15 -17 ёшли футболчиларнинг антропометрик  
белгиларнинг ёшга қараб ривожланиш кўрсаткичлари  
("Насаф" футбол Академияси (n= 54))**

| №   | Антропометрик параметрлар                     | 15 ёш (n=18) | 16 ёш (n=18) | Ўсиши % да | 17 ёш (n=18) | Ўсиши % да |
|-----|---|--------------|--------------|------------|--------------|------------|
| 1.  | Вазн/бўйи индекси (см/кг)                     | 345,74±37,19 | 366,39±40,27 | 5,97       | 386,49±30,35 | 5,48       |
| 2.  | Кўкрак қафасининг айланаси см.                | 81,9±4,77    | 84,9±4,15    | 3,66       | 87,3±5,7     | 2,82       |
| 3.  | Қўл узунлиги                                  | 75,8±3,83    | 77,4±4,71    | 2,11       | 81,2±2,84    | 4,94       |
| 4.  | Оёқ узунлиги                                  | 93,0±4,62    | 94,8±7,63    | 1,91       | 98,6±4,48    | 4,12       |
| 5.  | Сон узунлиги                                  | 46,13±2,85   | 48,4±4,36    | 4,94       | 49,43±3,65   | 2,11       |
| 6.  | Болдир узунлиги                               | 41,7±2,08    | 42,0±3,01    | 0,73       | 45,1±2,73    | 7,42       |
| 7.  | Елка кенглиги                                 | 36,2±2,79    | 37,0±2,39    | 2,24       | 37,7±4,67    | 1,90       |
| 8.  | Тос кенглиги                                  | 26,8±1,28    | 26,9±2,19    | 0,43       | 29,2±1,62    | 8,55       |
| 9.  | Кўкрак қафасининг кўндаланг ўлчами (см)       | 27,0±1,86    | 27,2±1,16    | 0,72       | 28,4±1,89    | 4,43       |
| 10. | Елка айланаси                                 | 26,15±2,45   | 28,2±2,07    | 7,81       | 28,6±3,7     | 1,41       |
| 11. | Елка олди айланаси                            | 23,9±2,12    | 25,1±1,71    | 5,34       | 25,91±2,38   | 3,27       |
| 12. | Сон айланаси                                  | 49,8±3,37    | 52,15±3,5    | 4,73       | 52,91±4,32   | 1,40       |
| 13. | Болдир айланаси                               | 33,7±2,49    | 35,5±2,03    | 5,31       | 36,01±2,39   | 1,42       |
| 14. | Қориндага ёғнинг ўртача қатламининг қалинлиги | 5,3±2,24     | 6,7±2,64     | 6,43       | 5,5±2,62     | -7,91      |

15 ёшли футболчиларда вазн/бўйи индекси 345,74±37,19 га тенг бўлса, 16 ёшда 366,39±40,27 ни, 17 ёшда эса 386,49±30,35 ни ташкил қилади ва жадвалда индивидуал ривожланиш жараёнида кўрсаткичларнинг ўсиш даражаси ҳам фоизда келтирилган. Тананинг парциал кўрсаткичлари орасида танланган спорт мутахассислига хос равишда оёқлар сегментларининг узунлик ўлчовлари аҳамиятлидир, чунки футболда акцентлашган юкламалар таъсири айнан оёқ сегментларига тушади. 15 ёшдан ва 16 ёшгача даврда оёқларнинг узунлиги 1,91% га ортса, 16 ёшдан 17 ёшгача бўлган даврда эса бу ўсиш 4,12% ни ташкил қилди. Қўл узунлигининг ўсиши 15-16 ёш оралиғида – 2,11 % ни ташкил этган бўлса, 16 ва 17 ёш орлиғида – 4,94 % га тенг бўлди.

Сон ва болдирнинг узунлигига ва айланма кўрсаткичларининг нисбатлари бизда қизиқиш уйғотади. Сон узунлигининг ўсиши 16 ёшга тўлганда 4,92 % ни ташкил этса, 17 ёшга келиб – 2,41 % га камаяди. Соннинг айланма кўрсаткичлари ҳам шу тарзда ўзгаради: 16 ёшда ўсиш кўрсаткичи 4,73 % га тенг бўлса, 17 ёшда 1,40 % гача камаяди.

Болдирининг ўсиши 16 ёшга келиб -0,78 % ни ташкил этган бўлса, 17 ёшда эса 7,42 % га кўтарилди. Болдирнинг айланма кўрсаткичи 16 ёшда 5,31 % ни ташкил этса 17 ёшга келиб 1,42 % га пасайди. Тос суягининг кўндаланг ўлчамининг ўсиши айниқса диққатга сазовордир: 16 ёшга келиб кўрсаткич бор йўғи – 0,43% га ортса, 17 ёшга келиб унинг ўсиши 8,55 % ни ташкил қилди. Кўкракнинг кўндаланг ўлчовининг кўрсаткичи 16 ёшга келиб атиги 0,72 % га ортганлиги аниқланди, 17 ёшга келиб эса кўрсаткичнинг ортиши 4,43% гача кўтарилди. Айлана ўлчовларини ўсиши 15 ва 16 ёш орасида интенсив

ривожланиши кузатилди. Масалан, елка айланаси -7,81 %, елка олд айланаси 5,34 %, болдир айланаси 5,31 %, ёғ қатламни ортиши 6,43 % ни ташкил этди. Ёғни ортиши салбий белги бўлиб футболчиларда 15 ва 16 ёш орасида 6,43% ортган бўлса, 16 билан 17 ёшга қадар аксинча 7,91 % камайиши кузатилди. Демак, футболчиларнинг жисмоний ривожланиш ҳолати ижобий баҳоланди.

15-17 ёшли футболчиларни умумий жисмоний тайёргарлик даражаси назорат ва тажриба гуруҳларда текширилди. Тадқиқотда танланган машқларни такрор ҳолда қўллаш методикаси ишлатилди. Тадқиқотдан олдин назорат ва тажриба гуруҳлари орасида фарқланиш даражаси деярли аниқланмади. Лекин 7x50 моксимон югуришда тажриба гуруҳида юқорироқ (+2,24) натижалар кузатилди. Аксинча назорат гуруҳидаги футболчиларнинг 15 м.га югуриш тестида натижалари тажриба гуруҳига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Моксимон югуришда футболчилар учун махсус ҳаракат сифати ҳисобланиб қисқа масофага югуриб тезкор тўхташ билан тугалланади.

## 2-жадвал

### 15-17 ёшли футболчиларда (НГ ва ЭГ гуруҳларнинг ) тадқиқотдан олдин бўлган жисмоний тайёргарлиги бўйича педагогик тестларнинг натижалари (n=54)

| Педагогик тестлар                   | Назорат гуруҳи<br>$\bar{X} \pm \sigma$ | Экспериментал<br>гуруҳи $\bar{X} \pm \sigma$ | t    | P     |
|-------------------------------------|--|--|------|-------|
| Турган жойидан узунликга сакраш (м) | 2,39±0,03                              | 2,44±0,19                                    | 0,83 | >0,05 |
| Моксимон югуриш 7x50м (с)           | 1,07±0,05                              | 1,05±0,03                                    | 2,24 | <0,05 |
| 15м югуриш (с)                      | 2,66±0,02                              | 2,68±0,05                                    | 3,53 | <0,05 |
| 30м югуриш (с)                      | 4,74±0,03                              | 4,65±0,13                                    | 0,48 | >0,05 |
| 60 м югуриш (с)                     | 8,30±0,16                              | 8,33±0,22                                    | 0,23 | >0,05 |
| 100 м югуриш (с)                    | 12,8±0,2                               | 12,9±0,21                                    | 0,24 | >0,05 |

Моксимон югуришда футболчилар учун махсус ҳаракат сифати ҳисобланиб қисқа масофага югуриб тезкор тўхташ билан тугалланади. Бу ҳаракатни сондаги материал мускуллар гуруҳи фаолияти туфайли таъминланади. Бундай ҳаракатларни самарали бажарилиши футболчиларни функционал тайёргарлик ҳолатига боғлиқ.

15-17 ёшли футболчиларнинг функционал ҳолати, уларнинг “заҳира имкониятлари” аниқланди. 15 ёшли футболчиларнинг функционал имкониятлари гемодинамика кўрсаткичлари асосида баҳоланди. Юрак фаолиятини баҳоловчи қоннинг минутлик ҳажми берилган юкламалардан сўнг  $11,51 \pm 2,02$  гача кўтарилди. Жисмоний ишчанлик  $PWC_{170}$  тести орқали ўлчаниб  $1424,34 \pm 38,9$  кг/м/мин ташкил этди. Футболчиларнинг аэроб имкониятлари муҳим физиологик кўрсаткич кислородни максимал ўзлаштириш (КМЎ) кўрсаткичи –  $4,15 \pm 0,83$  л – тенг бўлса, нисбий КМЎ-  $71,57$  мл/мин/кг.ни ташкил этди. Бу юқори кўрсаткич бўлиб, футболчиларни юқори даражада шуғулланганлигидан далолат беради.

16 ёшли футболчиларда юрак фаолиятини баҳоловчи қоннинг минутлик ҳажми биринчи юкламадан сўнг –  $7,91 \pm 2,53$  л/мин ташкил этган бўлса, иккинчи

юкламадан сўнг  $12,21 \pm 2,64$  гача кўтарилди. Жисмоний ишчанлик  $PWC_{170}$  Карпман тести орқали ўлчаниб  $1462,78 \pm 1,02$  кг/м/мин ташкил этди ва 15 ёшли футболчиларга нисбатан жисмоний ишчанлик ошган лекин уни катта деб ҳисоблаб ҳам бўлмайди. КМЎ кўрсаткичларда ҳам ўзгаришлар кузатилмади.

17 ёшли футболчиларнинг гемодинамика кўрсаткичлардан қоннинг минутлик ҳажми биринчи юклама берилгандан сўнг  $9,19 \pm 2,04$  л/мин тенг бўлса, иккинчи юкламадан сўнг  $12,75 \pm 1,9$  л/мин кўтарилди.  $PWC_{170}$  бўйича аниқланган жисмоний ишчанликни ўртача кўрсаткичи  $1508,46 \pm 39,72$  кг/м/мин тенглиги аниқланди. Турли амплуали футболчиларнинг жисмоний ишчанлигининг кўрсаткичи бир-биридан фаркланади. Олий даражада ривожланган жисмоний ишчанлиги ва захира имкониятлари юқори бўлган қўйидаги футболчиларни кўрасатиб ўтамиз: энг истиқболли футболчиларга Ж.Хамдамов, унинг ишчанлиги – 1572 кг/м/мин, А.Абдухакимовда – 1665 кг/м/мин, К.Носировда – 1674,04, энг юқори кўрсаткич Л.Абдураимовда аниқланди – 2342 кг/м/мин ни ташкил этди.

### 3-жадвал

#### Турли ўйин амплуали 15 – 17 ёшли футболчиларнинг жисмоний ва функционал тайёргарлигининг кўрсаткичлари ( $n=54 \bar{X} \pm \sigma$ )

| Кўрсаткичлар<br>( $n=54$ )                             | Амплуа                |                    |                       |                    |
|--|-----------------------|--------------------|-----------------------|--------------------|
|  | Хужумчилар            | Ярим ҳимоячилар    | Ҳимоячилар            | Дарвозабонлар      |
| Бўйи, см   | $165,0 \pm 1,81$      | $167,4 \pm 1,32$   | $169,8 \pm 1,37$      | $175,9 \pm 1,4$    |
| Тана оғирлиги, кг                                      | $53,9 \pm 1,82$       | $57,4 \pm 1,40$    | $56,5 \pm 1,62$       | $68,1 \pm 2,9$     |
| 15 м га югуриш   | $2,54 \pm 0,03$       | $2,72 \pm 0,03$    | $2,59 \pm 0,03$       | $2,49 \pm 0,05$    |
| 30 м га югуриш   | $4,58 \pm 0,05$       | $4,58 \pm 0,07$    | $4,74 \pm 0,06$       | $4,54 \pm 0,09$    |
| Моксимон югуриш<br>7x50 м,с                            | $63,3 \pm 0,34$       | $63,2 \pm 0,34$    | $69,1 \pm 0,91$       | $71,2 \pm 1,0$     |
| 12-мин югуриш, м                                       | $2978,0 \pm 23,95$    | $3053,9 \pm 30,4$  | $3140,0 \pm 24,53$    | $2649,2 \pm 56,2$  |
| Юрак уриш сони   | $80,0 \pm 1,01$       | $76,6 \pm 1,03$    | $79,0,4 \pm 1,22$     | $79,4 \pm 1,3$     |
| Штанге синови -с                                       | $53,3 \pm 2,33$       | $54,3 \pm 1,72$    | $55,2 \pm 1,81$       | $56,6 \pm 4,6$     |
| Генчи синови – с.                                      | $25,9 \pm 1,51$       | $29,4 \pm 1,40$    | $29,9 \pm 0,93$       | $32,9 \pm 1,8$     |
| $PWC_{-170} (\bar{X} \pm \sigma)$<br>жисмоний ишчанлик | $1553,76$<br>кг/м/мин | $1260,34$ кг/м/мин | $1410,72$<br>кг/м/мин | $1100,91$ кг/м/мин |


3-жадвалда турли ўйин амплуали 15-17 ёшли футболчиларнинг функционал тайёргарлигининг кўрсаткичлари ва жисмоний тайёргарлиги орасида боғланишлар мавжудлиги исботланди. Ҳаракат тезлиги билан боғлиқ бўлган бир қанча тестлар спортчиларнинг аэроб имкониятларини намоён этувчи кўрсаткичлар билан боғланганлиги аниқланди. 15 ва 30 м масофага югуриш тестларда энг яхши кўрсаткичлар дарвозабон ва ҳимоячиларда аниқланди. 7x50м моксимон югуришда энг яхши кўрсаткичлар дарвозабонларда ва хужумчиларда аниқланди.  $PWC_{-170}$  тести бўйича аниқланган жисмоний ишчанлик кўрсаткичи хужумчиларда  $1553,76 \pm 170,32$  кг/м/мин ташкил этиб, қолган ўйин амплуали футболчиларда пастроқ кўрсаткичлар билан таърифланади. Энг кичик жисмоний ишчанлик кўрсаткичи  $1100,91 \pm 144,67$  кг/м/мин тенг бўлган дарвозабонларда аниқланди. Ҳимоячи ва ярим ҳимоячиларнинг жисмоний ишчанлик ва чидамлилик сифатини ривожлантирувчи машғулот жараёнини ташкил этиш лозим. Текширилган футболчиларнинг жисмоний тайёргарлик ҳолати қониқарли даражада баҳоланди ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ҳам катта спортнинг

олий тоифали футболчилардан орқада қолиши аниқланди. Қарши шаҳридаги “Насаф” футбол академиясида шуғулланаётган 15-17 ёшли футболчиларнинг дерматоглифик кўрсаткичлари ва тезкорлик сифатлари билан боғланишлари ўрганилди. Маълумки, футболчиларни, кўпроқ енгил атлетикадаги югурувчилар билан таққосланади. Масалан, спринтарлар атиги бир неча секунд давомида югурса, футболчилар эса икки мартаба 45 минут давомида югуради. Шунинг учун етакчи жисмоний сифатлардан биз тезкорлик сифатини танладик. Ирсий ифодаланган белги - дерматоглифик кўрсаткичлари ва тезкорлик сифати орасида боғланишларни аниқлашни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Олинган ва ишлов берилган қўл изларидаги жами қирралар сони бу энг информатив кўрсаткичлиги аниқланди.

Бармоқ изларининг жами қирралар сонининг (ЖҚС) миқдорий кўрсаткичлари математик таҳлил қилингандан сўнг, футболчилар икки гуруҳга ажратилди: 27 нафар футболчиларнинг жами қирралар сони паст кўрсаткични намоён этди –  $132,0 \pm 14,29$ . Иккинчи гуруҳдаги 27 нафар футболчиларнинг бармоқ изларидаги жами қирралар сони –  $195,59 \pm 24,69$  ташкил этди.

Тажрибада дерматоглифик кўрсаткичларда жами қирралар сони қарама-қарши бўлган кўрсаткичларни асос қилиб, тезкорлик ва тезкор-куч намоён этилиши юқорида кўрсатилган икки гуруҳ футболчиларида солиштирма ҳолда таҳлил қилинди.

**15-17 ёшли футболчиларда дерматоглифик кўрсаткичлардан УҚС нинг альтернатив белгилари ва тезкорлик (60м югуриш) курсаткичлар орасидаги корреляцион боғланиш ( $r=0,93$ )**



УҚС (умумий қирралар сони)

**1-расм.**

**15-17 ёшли футболчиларда дерматоглифик кўрсаткичлардан УҚС нинг альтернатив белгилари ва тезкор-куч (600м) кўрсаткичлар орасидаги корреляцион боғланиш ( $r=0,96$ )**



**2-расм**

Бармоқ изининг нақшларидаги қирралар сони жисмоний сифатлардан-тезкорлик ва тезкор-куч орасида қайта пропорционал статистик боғланишлари мавжудлиги аниқланди.  $r=-0,93$  ва  $r=-0,96$  тенг.

Бармоқ изларида қирралар сони юқори бўлган футболчиларда тезкорлик сифати бармоқ изларида жами қирралар сони паст бўлган футболчиларга нисбатан юқори бўлиши аниқланди. Тезкорликни аниқловчи - стартдан 15, 30, 60, 100 м ва 600 м.га югуриш тестлари орқали баҳоланди.

**4-жадвал**

**Дерматоглифик белгилардан умумий қирралар сонининг қарама-қарши кўрсаткичларга эга бўлган футболчиларда тезкорлик сифатини намоён этган тестларнинг натижалари**

| Кўрсаткичлар            | 15-16 ёш                   |                           | Фарқи % да | P     | 17 ёш                      |                           | Фарқи % да | P     |
|-------------------------|----------------------------|---------------------------|------------|-------|----------------------------|---------------------------|------------|-------|
|                         | Қирралар сони юқори бўлган | Қирралар сони паст бўлган |            |       | Қирралар сони юқори бўлган | Қирралар сони паст бўлган |            |       |
| 15 м га югуриш.(сек)    | 2,62±0,03                  | 2,68±0,05                 | 1,06       | <0,05 | 2,52±0,08                  | 2,62±0,06                 | 2,3        | <0,05 |
| 30 м га югуриш.(сек)    | 4,58±0,02                  | 4,61±0,03                 | 0,66       | <0,05 | 4,52±0,03                  | 4,59±0,02                 | 2,4        | <0,05 |
| 60м га югуриш (сек)     | 8,0±0,1                    | 8,5±0,3                   | 6,25       | <0,05 | 7,4±0,16                   | 8,3±0,2                   | 10,9       | <0,05 |
| 100м га югуриш (сек)    | 12,5±0,4                   | 12,8±0,2                  | 2,40       | <0,05 | 12,0±0,14                  | 12,5±0,11                 | 4,17       | <0,05 |
| 600м. югуриш (мин. сек) | 102,2±6,4                  | 105,2±7,6                 | 2,11       | <0,05 | 95,8±6,2                   | 102,9±6,4                 | 5,19       | <0,05 |

15-16 ёшли футболчиларда 15 м масофага югуриш тестида тезкорлик сифатини ўсиши 1,06 %, 30м югуришда - 0,66%, 60 м югуришда – 6,25% ва 100 м югуришда – 2,40% ташкил этди (барча ўтқазилган тестлар  $P<0,05$  ишонарлик

даражасида ўтган). 17 ёшли футболчиларда йил давомида тезкорлик кўрсаткичини ўсиши қўйидагича: 15 м масофага югуришда натижалар кўрсаткичи 2,3 % га ўсиши, 30 м югуришда – 2%, 60 м. югуришда – 10,9 %, 100 м. югуришда сифатни ўсиши – 4,17% ташкил этди.

Чидамлилик сифатини ривожланиши сенситив даврнинг муддатларига боғлиқ эканлиги аниқланди. 15 ёш билан - 16 ёш оралиғида чидамлиликнинг ўсиш кўрсаткичи 600м югуришда атиги 2,11% ортган бўлса, 17 ёшнинг йиллик оралиғида чидамлиликни ўсиши - 5,19% ташкил этди (4-жадвалга қаранг). Демак, тезкорлик сифатини дерматоглифик белгиларни антропогенетик кўрсаткичлар сифатида спорт танловида албатта ҳисобга олиниши лозимлиги аниқланди. Текширилган тезкорлик сифати умумий ва жами қирралар сони юқори бўлган футболчиларда яхши ривожланганлиги тадқиқотимизда аниқланди. Олинган натижалар бунга далолат беради. Дерматоглифик кўрсаткичлардан умумий қирралар сони паст бўлган футболчиларда ҳам йиллик машғулот жараёни давомида тезкорлик сифатида ўзгаришлар кузатилди, лекин сифатларни ўсиш кўрсаткичи деярли диққатга сазовар бўлмаган ҳолда ўтди, ўсиш кўрсаткичлари бир меъёрга ўтиб 2-3% ни ташкил этди.

Диссертациянинг **“Ёш футболчиларнинг антропогенетик мойиллигини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тайёрлаш услубияти”** деб номланган тўртинчи бобда машғулот жараёнини йўналишига қараб қўлланиладиган воситалар ва услубларни қўллашга асосланган. Бу бобда келтирилган жадвалларда барча спорт турларига хос бўлган жисмоний юкламаларнинг универсал параметрлари умумлаштирилган ҳолда таърифланган. Футболчиларни кўпроқ аэроб имкониятларини оширишда циклик спорт турларида қўлланиладиган машқлардан фойдаланиш тавсия этилиши ва спортчининг пульси минутига 150 марта уришдан ошмаслиги лозимлиги кўрсатилган. Аэроб - анаэроб имкониятларни оширишда барча жисмоний сифатларни ривожланиши таъминланади ва махсус йўналишли вазифалар бажарилади. Вазифаларни бажаришда пульс 150-170 ур/мин атрофида ўзгариши мумкин. Дам олиш вақтида (паузалар вақти) пульс 120-130 гача тушиши мумкин. Анаэроб – гликолитик йўналишли иш бажарилганда тезкорлик - чидамлилик сифати аста секин ривожлана бошлайди. Машқларни бажарилиши тўлиқ кучни сарфланиши билан рўй беради. Ҳар бир машқни бажариш вақти 0,3 дан 4 минутни ташкил этиши мумкин, бунда пульс 170 уриш/мин ва ундан юқори бўлиши мумкин (5-7 жадвалга қаранг). Футболчиларнинг ўйин амплуасига хос ўхшашлик ва фарқланувчи жисмоний сифатлар таҳлил қилинди.

Анаболитик куч сифатини ривожлантиришда машқларни юкламалар билан бажариш тавсия этилади. Юкламалар йўналиши оёқ мускулларни ривожлантиришга йўналтирилган. Снаряд вазни тана оғирлигига нисбатан 30-35% ташкил этиши лозим. 5-жадвалда футболчиларни тайёрлашда восита ва услубларни нисбатлари тажрибанинг йиллик босқичларида тақсимланиши келтирилган.

## Махсус йўналишли машғулот юкламаларни педагогик меъёрлари

| Машғулоти йўналиши   | Машғулоти шакли  | Жисмоний юкламаларни таърифи   |  |  |   |
|--|--|--|--|--|---|
|  |  | Машқнинг Интенсивлиги  | Машқни бажариш вақти   | Дам олиш вақти   | Такрорланиш вақти   |
| Аэроб йўналиши (умумий чидамлилиқ)   | Бир карра<br>Бир текисли<br>Бир карра ўзгарувчанг интервал машғулоти<br>а) узлуксиз<br>б) узлукли    | Ўрта меъёрли<br>Кичик ҳажмли<br>Катта ҳажмли<br><br>Ўрта меъёрли<br>Ўрта меъёрли | 30 мин дан юқори<br>1,5-2 соат.<br><br>3-10мин<br><br>1-3мин<br>1-3мин | -<br>-<br><br>Ченгараланмаган<br><br>0,5-1,5мин<br>0,5-1,5мин<br>Сериялар орасида дам олиш 5-8 мин | -<br>-<br><br>2 дан- 6-8 маротабагача<br><br>10 ва ундан юқори<br>Серияда 5-8 такрорлаш<br>Сериялар сони 2 дан 8 гача |
| Аралаш йўналиш: Аэроб-анаэробли жисмоний сифатларни мажмуа ҳолда ривожланиши | Бир карра<br>Бир текисли<br>Бир карра ўзгарувчанг интервал машқлантириш<br>а) узлуксиз<br>б) узлукли | катта ўрта меъёрдан<br>максималгача<br><br>катта<br>катта                        | 0,5соатгача<br><br>0,5соатгача<br><br>1,5соатгача<br>0,5-1,5 мин       | -<br>-<br><br>0,5-1,5мин<br>0,5-1,5мин<br>Сериялар ораси 1-3мин                                    | -<br>-<br><br>10 ва ундан юқори<br>2-4 серияда такрорланиш сони,<br>5-6 серияда такрорланиш сони                      |
| Анаэроб-гликолитик йўналишли   | Бир карра<br>Охирги даражагача<br>Қайтар такрорланиш   | Субмаксимал<br>катта<br>субмаксимал  | 0,3-4 мин<br><br>0,3-2 мин   | -<br>Чегараланмаган,<br>10мин атрофида   | -<br>3-6  |
| Анаэроб-алактат (тезкор-куч)   | Бир карра<br>максимал  | Максимал<br>Максималга яқин  | 5-10 с<br>атрофида<br>5-10 с   | -<br>2-3 мин<br>Такрорланишлар орасида дам олиш 4-6 мин  | -<br>Битта серияда 3 такрорланиш<br>Бир марталик такрорлаш сони 5 -6  |
| Анаболитик куч   | Такрорловчи интервал<br>Айлана машқлантириш  | катта<br><br>катта ва субмаксимал  | Инкор этгунча<br><br>1,5-2 мин   | 3-4 мин<br><br>1,5-2 мин   | 4-6, 5-6 машқлардан ташкил топган.<br>3 марта такрорланади  |

Спорт такомиллашув босқичида футболчиларнинг ирсий ифодаланган белгилари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда машғулоти жараёнини коррекциялаш мақсадида қўйидаги йўналишли машғулотларни процент нисбатлари режалаштирилган ва амалга оширилган.

6-жадвалда келтирилган умум-тайёрлов босқичида аэроб имкониятларни ривожлантирувчи воситалар қўлланилади. Бу босқичда 55% махсус йўналишли машқларга ва 45% муаъян бўлмаган машқларга ажратилади.

**Тажрибанинг йиллик босқичларида машғулотлардаги восита ва услубларни нисбатлари тақсимланиши %**

| Юкламаларни кўрсаткичлари                              | Босқичлар |       |       |
|--|-----------|-------|-------|
|  | I         | II    | III   |
| Йўналиши<br>(педагогик, физиологик), %                 |           |       |       |
